

## ЁШ АВЛОДНИНГ МАЪНАВИЙ –АХЛОҚИЙ КАМОЛОТИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК РАҲИМАХОНИМ МАЗОХИДОВА ТИМСОЛИДА САНЪАТКОР ХОТИРАСИ

**Имямин Қирғизов**

Фарғона давлат университети даценти

**Имомова Одинахон**

Фарғона давлат университети

2 курс магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7260004>

**Аннотация.** Мақолада гендер тенглик аёл хофиза Ўзбекистон халқ артисти меҳнат шўхрат ордени соҳибаси Раҳимахоним Мазохидованинг ижро маҳорати, ижодкорнинг ижод маҳсули ва унинг издошлари ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар :** Лапар, алла, фольклёр, этнографик, ансамбл, гендер тенглик .

## ГЕНДЕРНОЕ РАВЕНСТВО В ДУХОВНО-ПРАВСТВЕННОМ РАЗВИТИИ ПАМЯТИ МОЛОДОГО ПОКОЛЕНИЯ РАХИМАХОНИМ МАЗОХИДОВОЙ

**Аннотация.** В статье рассматривается исполнительское мастерство хафизы, народной артистки Узбекистана, кавалера ордена Трудовой Славы Рахимаханум Мажодовой, творчество артистки и ее последователей.

**Ключевые слова:** Лапар, алла, фольклор, этнографический ансамбль, равенство полов.

## GENDER EQUALITY IN SPIRITUAL AND MORAL DEVELOPMENT IN MEMORY OF THE YOUNG GENERATION RAHIMACHONIM MAZOKHIDOV

**Absrtact.** The article discusses the performance skills of the woman khafiza, People's Artist of Uzbekistan, holder of the Order of Labor Fame, Rahimakhanim Mazhodova, the creative product of the artist and her followers.

**Keywords:** Lapar, alla, folklore, ethnographic, ensemble, gender equality.

## КИРИШ

Сен мўътабар она, меҳри ягона,  
Сен опам, синглимсан, гўзал дурдона.  
Сен гулдай нозиксан маъсума ҳаёл,  
Дунёнинг бешиги бу сенсан АЁЛ !

Аёл — жамият гултожи, борлиқ кўзгуси, миллат тарбиячисидир. Унинг меҳр-муҳаббати навниҳолларни, эртамиз эгаларининг униб-ўсишига, камол топишига сабаб бўлади.

Аёл бахтли бўлса, жамият бахтли бўлади.

Хотин-қизларни эъзозлаган, кадрлаган юртнинг эса бугуни ва эртаси шубҳасиз фаровондир!

Бугунги кунда ҳам ҳукуматимиз томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жамиятда кадрини ва қаддини кўтариш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бу хайрли ишларнинг самарасини эса барча опа-сингилларимиз ўз ҳаётлари, умр йўллари давомида ҳис этишмоқда.

Шу билан бирга кўрсатилаётган меҳр-муҳаббатни юксак баҳолаб, барча соҳаларда ўз билим ва салоҳиятларини кўрсатмоқда, жаҳон ареналарида давлатимиз байроғини янада баланд тутмоқда, ер юзидаги энг машҳур, йирик компанияларда меҳнат қилиб, ўзбекларнинг салоҳиятини намоёни қилмоқда.

Албатта, келажаги буюк, эртаси фаровон бўлишини истаган халқ миллат давомчиларини қай соҳа вакили бўлмасин кўнгли тинч, ҳаёти фаровон бўлиши учун ҳаракат қилади, муносиб турмуш кечиришлари учун шароит яратади. Қўқонди Латифда ўз қўшиқлари билан халқимизни хушнуд қилиб келаётган Раҳимаҳоним издошлари булмиш “ Қўқон ёр-ёри “ фальклёр этнографик халқ ансамбли жамоаси шулар жумласидандир.

Аёл зоти чиндан ҳам ўз тимсолида гўзаллик ва нафосат, эзгулик ва фидойлик каби олийжаноб инсоний фазилатларни мужассам этганига яна ва яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Аёл-борлиқ кўзгуси. Унинг нафис гўзаллиги оламни чароғон этади, чунки унинг нияти пок, ўзи пок. Барчамизга аёнки, оналарни, аёл зотини эъзозлаш эл-юртимиз учун азал-азалдан эзгу қадрият бўлиб келган. Биз меҳр-муҳаббат ва одамийликнинг илк сабоқларини азиз оналаримиздан, уларнинг бешигимиз узра парвона бўлиб айтган алла оҳангларидан оламиз. Миллий куй –қушиқларимиздан бири бўлмиш: “Алла” Ўзбекистон халқ артисти Раҳимаҳоним Мазохидова алласи бунинг ёрқин тимсоли бўла олади.



Алла – бешик кушиги булиб, бола тугилгандан то бешикдан чикқунча айтилган. Яна у халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳам кенг қуйланган. Болани йургаклаш, бешикка солиш, ухлатиш, уйгонган болани йургақдан ечиб олиш сингари машғулотлар қуйлар, чиройли оҳангдор сузлар билан безалган булади. Бундай дилни эркаловчи кушиқлар болага ҳам хуш ёккан. Ана шу шеърый туқималар турли воқеаларга, айрим маросимларга боғлаб айтилган бу кушиқни алла кушиқлари дейишган.

*Алла айтай, жоним болам, қулоқ солгин, алла  
Ширин аллам тинглаб аста, ухлаб колгин, алла*

*Кўзларинга томган сувга хайрон бўлма, алла-я  
Бахтимга сен катта бўлгин, хазон бўлма, алла  
Истикболнинг порлок сенинг, жажжигинам, алла-я  
Бахтимга сен катта бўлгин, хазон бўлма, алла  
Севганимдан ёдгоримсан, олтин кузим, алла-ё  
Мен шурликдай тўкилмагин, кўрар кўзим, алла  
Алла, алла, алла-ё*

Дархақиқат, биз ҳаётимиз мазмуни бўлган севги ва садоқат, меҳр-муҳаббат, назокат ва латофат каби энг нозик, сирли туйғуларни Яратганимизнинг беқиёс мўжизаси бўлмиш аёл зотисиз асло тасаффури эта олмаймиз.

## **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Аёл деганда кўз олдимизга энг аввало мўътабар онамиз, кадрли бувижонларимиз, мунис опа-сингилларимиз келади.

Уларга қанча эътибор, ғамхўрлик қилсак, қувонтиришга урунсак барибир оздир. Чунки, мана шу аёллар дунёда янгидан-янги чақалоқ йиғиси эшитилишига сабаб бўлаётган зотлардир.

Дунёда шундай бир зот борки, уни хар куни эъзозласак ҳам, дилларини хушнуд қилишга урунсак ҳам унинг ҳаққини адо эта олмаймиз. Бу мўътабар зот- онадир.

Муқаддас ислом динимизда онага яхшилик қилиш борасида жуда кўп буйруқлар ва онани дилини оғритмаслик ҳақида кўпгина қайтариқлар мавжуддир. Биргина мисол келтираемиз.

Аллох, таоло «Исро» сурасининг 23-оятда марҳамат қилиб айтади:

«Роббингиз фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ва ота-онага яхшилик қилишни амр этди. Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас, уларга «уфф»дема, уларга озор берма ва уларга яхши сўз айт!»

Бу жумланинг «уфф» сўзига боғлиқ икки ҳил маъноси бор. Биринчи маъноси — ота-онага ёмон сўз айтиб, беҳурмат қилма, дегани бўлса, иккинчи маъноси— ота-онанг олдида «уфф» дема, улар, болам оғир ҳолга тушибди, деб озорланадилар, деганидир.

«...уларга озор берма ва уларга яхши суз айт!»

Ота-онангга ҳеч бир озорни раво курма! Қандай яхши сўз бўлса, ушани ота-онангга раво кўр!

Расулуллох (с.а.в.) ҳам ота-онага яхшилик қилишга кўп бора буюрганлар. Бундан ташқари бир неча ҳадисларда онанинг ҳаққи отанинг ҳаққига қараганда кўпроқ эканини ҳам айтганлар.

Бахз ибн Хақимдан ривоят қилинади:

«Ё, Расулуллох, кимга яхшилик қилай?», - дедим.

«Онангга», - дедилар.

«Сўнгра кимга?», - дедим.

«Онангга», - дедилар.

«Сўнгра кимга?» — дедим.

«Онангга», - дедилар.

«Сўнгра кимга?» - дедим.

«Отанга ва сўнг яқин бўлган қариндошларингга », - дедилар»

Мана шу ҳадиси шаърифда Расули Акрам алайҳиссалату вассалом «Кимга яхшилик қилай?» деб сўраган саҳобийга кетма-кет уч марта «Онанинг яхшилик қил» деб туриб, туртинчисидан «Отанга» дейишларидан уламоларимиз ҳукм чиқариб: «Онанинг ҳаққи отаникига нисбатан уч марта юқори туради», дейишади.

Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар куйидагилардан иборат:

1. Фарзанднинг яхшилик қилишига энг сазовор шахс она экани.
2. Фарзанднинг яхшилик қилишига онадан кейин энг сазовор шахс ота экани.
3. Онанинг ҳаққи отаникидан уч марта кўп экани.

Чунки, она боланинг дунёга келишида, униб-ўсишида жуда катта машаққат чеккан зот бўлади. Хомиладорликнинг барча машаққатларини онанинг ўзи тортади. Кўнгил айниш, беҳол бўлиш, заифлашиш, болани қоринда кўтариб юриш ва шунга ўхшаш бошқа хомиладорликка оид машаққатларга она дучор бўлади. Туғиш машаққатлари, тўлғок кийинчиликлари онанинг ўлимни бўйнига олганига далилдир. Баъзи оналар айни туғиш жараёнида ҳалок бўлишларининг ўзи барчага онанинг ҳаққи отаникидан нима учун устин кўйилганини билиб олишга ёрдам бериши керак.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Болани эмизиш, уни ювиб-тараш, кечалари уйқудан қолиб бола учун машаққат тортиш ва шунга ўхшаган ишларнинг барчасини она ўз зиммасига олади.

У шундай бир зотки дуоларида узини унутиши мумкин аммо ҳеч қачон фарзандларини унутмайди.

Шу билан бирга, онанинг мунислиги, муштипарлиги, жисм нозиклиги, кўнгил нозиклиги ва бошқа тарафлари ҳам бор. Улар оталарга нисбатан ёрдамга, яхшиликка, иноятга, лутфга, марҳаматга кўпроқ, муҳтожлиги учун ҳам, уларга ортиқроқ, даражада эхтиром кўрсатиш зарур.

Пайғамбаримиз Расулуллоҳ (с.а.в.): видолашув хутбаларида умматларини уч нарсадан огоҳ этиб, шундай дедилар: “Намоз, намоз, намозга диққат қилинг, унга ҳеч ҳам бепарво бўлмаг! “Қўл остингиздагиларга кучлари етмайдиган вазифаларни юкламанг! Хотинларнинг ҳақларини ҳурмат қилинглар, мен бу хусусда Аллоҳдан кўрқинганимизни тавсия этаман. Хотинларнинг ҳақи масаласида Аллоҳдан кўрқинглар! Зеро, улар сизнинг ёрдамингизга муҳтождирлар. Улар сизга Аллоҳнинг омонатидирлар...”

Пайғамбаримиз (с.а.в.) эътибор қаратиш лозим бўлган асосий 3 масаланинг бири бу аёлларнинг ҳаққи хусусида Аллоҳдан кўрқиниш ва уларни Аллоҳнинг омонати деб асраб авайлаш кераклиги эканини ўз умматларига насиҳат қилмоқдалар. Шундай экан, омонатга содиқ қолиб, аёлларимизнинг турмушини фаровон қилишликка, уларга доимо эътиборли ва муҳаббатли бўлайликка ҳаракат қилишимиз лозимдир.

Ҳозирда Юртимизда аёлларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликлар ҳам тақсинга лойиқ ишдир. Ватанимизда яшаётган аёлларга улар хоҳлаган барча шарт-шароитлар мавжуддир. Мамлакатимизда аёлларга бўлган юксак ҳурмат-эътибор ва ғамхўрликнинг амалий исботи сифатида кейинги йилларда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги рўли ва таъсирини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 80 дан ортиқ миллий ва халқаро ҳужжатлар қабул қилинганини алоҳида қайд этиш лозим. Хаттоки бу иш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, 1999-йил эса «Аёллар йили», 2001 -йил «Она ва бола йили» деб эълон

килинди. Ўзбекистон 1995 йилда Марказий Осиёда биринчи бўлиб Хотин-қизлар камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиб, ундаги мезонларни амалиётга жорий эта бошлаган. Бу ҳақда гапирганда, Халқаро болалар жамғармаси-ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича офиси оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги дастурларни жорий қилишда Ўзбекистонни минтақадаги намуна деб тан олганини қайд этиш лозим. Бундай ғамхўрликдан руҳланган аёлларимиз ватан учун янада кўпроқ ўз ҳиссаларини кўшишга ва мана шу муқаддас заминни, ундаги мусаффо осмонни асрашга ҳаракат қилмоқдалар. Бугунги кунда аёлларимиз барча соҳаларда эркин ишлаш имкониятига эгадирлар. Хоҳ у маориф бўлсин, хоҳ у саноат соҳаси бўлсин, ёки сиёсий-ижтимоий, тадбиркорлик ва фермерлик соҳаси бўлсин барчасида аёлларимиз меҳнат қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Қисқа қилиб айтганда, бизнинг юрт аёллар қадр топган юрт десак муболаға бўлмайди. Шундай бўлсада, ҳар қандай аёл суюкли ёр, меҳрибон она, файзли хонадон бекаси сифатида ўрни, эъзозини топгандагина ўзини чинакам бахтли ҳис этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида” қарор қабул қилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Барқарор ривожланишнинг Бешинчи мақсадини амалга ошириш доирасида “Гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш”га оид тўққизта вазифани ишлаб чиқди.

Бешинчи мақсаднинг вазифаларига (Гендер тенглик) мувофиқ, 2030 йилга келиб барча хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштирокини ва етакчилик қилиш учун тенг имкониятларни таъминлаш зарур.

Бундан ташқари, ушбу мақсад давлатнинг турли даражаларида Давлат дастурларини қабул қилиш жараёнида гендер тенглик тамойилларини жорий қилишни ўз ичига олади.

## **МУҲОКАМА**

Сўнгги йилларда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш бўйича ишлар бир неча йўналишларда олиб борилмоқда:

- аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш;
- аёлларни ҳимоя қилишнинг институционал асосларини такомиллаштириш;
- аҳолининг гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқлари тўғрисида хабардорлигини ошириш;
- ҳуқуқни қўллаш амалиётида уларга риоя этилишини таъминлаш учун масъул мансабдор шахсларни тегишли ҳуқуқий меъёрлар асосида ўқитиш.

Гендер тенглигини жорий қилиш нуқтаи назаридан таълимдаги ижобий силжишларни алоҳида таъкидлаш керак. Яъни, 2017 йилдан бошлаб аксарият олий ўқув юртларида турли мутахассисликлар бўйича сиртки бўлимлар фаолияти тикланди. Таълимнинг ушбу шакли ёш аёлларга болаларни парвариш қилиш ва бошқа оилавий мажбуриятларни бажаришга халал қилмасдан олий маълумот олиш имкониятини беради. Асрлар давомида ўз шогирдларига аёл қадр- қиммати ҳақида унинг юксалиши парвоз қилиши ҳақида Р. Мазохидова устоз-шогирд анъналарида ўргатиб борди . Асрлар



давомида унинг қўшиқлари абадий яшамокда хозирда олийгоҳлар мутахассислари магистрлари унинг ўчмас хотирасини куйлаб келмокдалар.

Ўзбекистон халқ артисти “Меҳнат Шухрат” ордени соҳибаси Раҳимаҳон Мазоҳидова 1930-йил 8-март куни таваллуд топганлар, 9 ёшларидан қўшиқ куйлаганлар. Устоз 1948 йил Қўқондаги 8-ўрта мактабни битириб Муқимий номидаги шоҳи атлас тўқиш фабрикасига ишга кирадилар. Фабрикадаги бадиий хаваскорлик тўғарагига қатнашиб, хаваскорларнинг шаҳар кўригида “Қурамиз зўр каналлар” кўшиғини маҳорат билан ижро этган қизалоқни Ўзбекистон халқ артисти, режиссёр Мурод Қўлдошев 1955-йилда театрга ишга таклиф этади.



*1971 йил Театрда концерт*

Раҳимаҳоним Мазоҳидова Қўқон шаҳар Ўзбек давлат мусикали ва драма театридаги 50 йиллик ижодий меҳнат фаолиятлари давомида 30 дан зиёд турли жанрдаги спектаклларда эса қоларли ажойиб обазлар яратганлар. Булардан “Бой ила хизматчи”да Раҳима хола, “Қон сачраган тол”да Норхоннинг онаси, “Дўст нидоси”да, Раъно, “Холисон”да “Мастура”, “Адашган соҳибжамол”да Чарос, ”Муқимийда”да Рисолат чевар, “Нурхон”да Нурхоннинг онаси, “Куёвнинг омонати”да Тўтихон образлари шулар жумласидандир. Онахон “Ўтган кунлар”, ”Зулматни тарк этиб”, “Ота васияти” кинофилмларида ҳам роллар ижро этганлар. Раҳимаҳон аямиз хонанда сифатида ўз мухлисларига эга санъаткор эдилар. ”Феруз”, “Бозиргоний”, “Самарқанд ушшоғи”, ”Қашқарчай ушшоқ”ва “Чорзарб” мақом қўшиқларини маромига етказиб ижро этганлар.

Ўзбек халқ лапар кўшиқларини қайтадан тиклаб, ”Қари наво”, Мужгонларинг” кўшиқларига янгича сайқал, жило берганлар.

Кўкон шаҳар Маданият бўлимига қарашли Дегрезли маҳалласидаги 3-клубда “Омонёр” фольклор ансамблини ташкил қилиб, шу маҳалладаги доира чолиб кўшиқ айтувчи аёлларни ва ўз шогирдларни ансамблга жалб қилдилар. Дастлаб 35 нафар аёллардан ташкил топган жамоа кейинчалик 50 нафаргача етди.

Ансамблдаги барча кўшиқ, лапар, ўлан, айтишувларни халқ орасидан излаб юриб топдилар ва ёнларида доим олиб юрадиган кичкина магнитофончаларига оҳанглари эзиб олиб, сайқаллаб ансамбль иштирокчиларига ўргатиб, халқ сайилларида, вилоят ҳамда шаҳар тадбирларидаги концертларда ижро этдилар.

Республика миқёсида ўтказилган барча кўрик танловларда муносиб ўрин олиб халқимиз олқишига сазовор бўлдилар. 1988-йилда Республика Маданият вазирлиги ансамблини ижодига котта эътибор берди, режиссёр Нодир Қўлдошев ансамбль ҳақида “Халқ кўшиқларини қалбингда сақла” номли телефильмини яратди. 1992-йил театримизда “Тохир ва Зухра” мусиқали драммасини сахналаштириш учун Тошкентдан прафесионал дерижёр Деҳқон Жалилов ва балетмистр Юлдузхон Исмамова ёрдамга чақирилган экан. ” Устоз отангдай улуғ” - деган ибора асрлар давомида қўлланиб келади . Фестиваль бизга номоддий маданий меросимизни янада чуқурроқ ўрганиб уни келажак авлодга етказишимиз зарурлигини ўргатди. Шу йили Самарқанд шаҳрида биринчи мартаба бўлиб ўтган Шарқ тароналари фестивалида шўх лапарлари билан қатнашиб Ўзбекистон биринчи президенти И.Каримов ва чет эллик меҳмонларнинг олқишига сазовор бўлиб Тошкентдаги Мустақиллигимизнинг байрам танталарида ҳам иштирок этдилар. Раҳимахоним Мазохидовани фидокорона меҳнатларини қадирлаб юртбошимиз Меҳнат Шухрат ордени билан тақдирладилар. Мукофотни топшириш тадбирида эса” Сиз фольклоримиз онаҳонисиз”-деб Раҳимахоним Мазохидовага янада юксак баҳо бердилар.

2003- “Омонёр” ансамбли ташкил қилиниб ҳозирги давлат дастури асосида ёшлардан жалб қилиниб янада ривожлантирилди. Ўзбек фольклор санъати ўзбек ахлини кимлигини номоён қилди. Ўзбек санъатини юртимиз мустақилликка эришгандан кейин биринчилардан бўлиб Туркияда Ўзбекистонни дунёга таништирган буюк санъаткор Раҳимахоним Мазохидова бўлиб...

Ҳозирги аёллар ҳуқуқини химоя қилиш тўғрисидаги қонунни устувор қўйганлар.

2005-йилда Андижон шаҳрида ўтказилган Республика минтақавий фольклор фестивалида олий ўринни эгаллаб, Англияга йўлланма олганлар.

Фестиваль ташкилотчилари, режиссёрлари ва қатнашчилари - “Фольклоримиз онаҳони ” - дея табриклаб, устозга таъзим қилдилар.

2007-йилда “Кўкон ёр-ёри” ансамблига “Халқ ҳаваскорлик жамоаси” унвони берилди. Ўзбекистон республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Халқ ижодиёти бўлими раҳбарлари томонидан диплом билан мукофотландилар келиб тантанали равишда дипломни Раҳимахон Мазохидова қўлларига топширганда –

2008-йил 25-февраль куни дунё ларзага келгандек бўлди. Ўзбекистон халқ артисти Раҳимахоним Мазохидова олмдан ўтди. Шу йилги фестивалнинг котта сахнасида вазирлигимиз ансамбли Раҳимахон Мазохидова номидаги “Кўкон ёр-ёри” фольклор этнографик халқ ансамбли деб эълон қилиб, фестивал ғолиби дипломини топширди.

*Устозлар сабогидан шукур баланд парвозим,*

*Миллий мумтоз наволар, лапар, ёр-ёр айтгайман.*

*Манзур нафас элим суйган Раҳимаҳон устозим,*

*Номингиз ёд этгайман, руҳингиз шод этгайман*

*Х Қодирова.*

### **ХУЛОСА**

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки Ўзбекистон Гендел Тенглигида аёллар ўрни қандай эканлигини Раҳимаҳоним Мазохидова тимсолида кўрдик. Аёл жасорати нафосати сабр бардоши устоз –шогирд анъанасини куллаб қувватлаш барча соҳада санъат соҳасида ҳам чуқур илдиз отишини ҳам исботлаб берганлар. Устоз Раҳимаҳоним Мазохидова ижод билан чегараланиб қолмай устозлардан ўрганган лапар айтишув маросим қўшиқларини янгидан тиклаб алоҳида ансамбиллар тузди.

У ўз ижоди давомида илдиз отган қўшиқларни куйлаб халқ юрагидан жой олган. Фарғона Давлат Университети Магистр мусиқа ва санъат йуналиши хотин қизлари устознинг ва кўкон ёр ёри ансамбл раҳбари Хурсаной Қодированинг айтган лопар фольклёр миллий маросим қўшиқларини иштиёқ билан куйлаб дарс давомида талабаларга ҳам устоз-шогирд анъаналарини давом эттиришни ўргатиб келмоқдалар.

### **REFERENCES**

1. М.Раҳимов. Ўзбек театири тарихи. Фан наширёти 1975 й
2. Ҳ.Бобобеков Кўкон тарихи. Фан наширёти. Тошкент 1996 й
3. Н.Турғунова. Яллачилик санъатининг сахнавий талқинлари. УзДСМИ хабарлари. 2019/3(11)
4. С Маннопов Навобахш Оҳанглар . “ИЖОД ПРЕСС” Тошкент 2018й.
5. Болтабоева У, Абдуназаров З . Усмонов С. (2021) The balance of language and speech in the Uzbek theater .
6. Kirgizov, I., Imyaminovich, K. I., Nurmammedjanov, A., Sotvoldievich, S. B., Mamasodikovna, N. M., & Juraevna, A. S. (2021). The Pleasure of Singing, Listening and Understanding Navoi. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 2410-2413.
7. Mannopov, S., Karimov, A., Qurbonova, B., & Dilobar, J. (2022, February). THE EMERGENCE AND DEVELOPMENT OF MUSIC. In *Archive of Conferences* (pp. 49-52).
8. A. Karimov (2022). O'ZBEK MUMTOZ MUSIQASINING UMUMNAZARIY ASOSLARI. *Science and innovation*, 1 (C6), 317-322. doi: 10.5281/zenodo.7197976
9. Ahmadjon Nurmuhamedjanov, & Ismoiljon Rustamov (2022). YOSHLARNING IJTIMOIIY FAOLLIGIDA MADANIYAT VA SAN'AT MUASSASALARIDAGI TO'GARAKLARNING O'RNI. *Science and innovation*, 1 (C2), 48-50. doi: 10.5281/zenodo.657842
10. I. Rustamov (2022). DOYRA CHOLG'USIDA IJROCHILIK MAHORATINI OSHIRISHDA QO'LLANILADIGAN MASHQLAR MOHIYATI. *Science and innovation*, 1 (B6), 456-460. doi: 10.5281/zenodo.7164885
11. Rustamov, I. (2022). The Place of Doira Instrument in Uzbek National Art. *Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences*, 5, 74-77
12. Madina Nasretdinova, Ismoil Rustamov, & Oybek Karimov (2022). MUSIQA SAN'ATINING HOZIRGI KUNDAGI O'RNI. *Scientific progress*, 3 (2), 841-845.



13. Исаков Улуғбек Тўхтасинович (2022). ЎЗБЕК МУСИҚА МАДАНИЯТИ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ, МАНБАЛАРИ ҲАМДА УНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ. *Science and innovation*, 1 (1), 625-636. doi: 10.5281/zenodo.6529117
14. Исаков Улуғбек Тўхтасинович (2022). ЎЗБЕК МУСИҚА МАДАНИЯТИ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ, МАНБАЛАРИ ҲАМДА УНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ. *Science and innovation*, 1 (1), 625-636. doi: 10.5281/zenodo.6529117
15. Nasritdinova, M., Nigora, M., & Murodova, D. (2022, February). UZBEK FOLK ART AND ITS PLACE IN PUBLIC LIFE. In *Archive of Conferences* (pp. 44-48).
16. Nasretdinova, M., Toshaliyev, D., & Murodova, D. R. Q. (2022). AN'ANAVIY IJROCHILIK SAN'ATINING HOZIRGI DAVR MUAMMOLARI. *Scientific progress*, 3(2), 846-850.
17. Murodova, D. (2021). THE CONCEPT OF MUSICAL THINKING AND ITS STAGES OF DEVELOPMENT. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(05), 245-250.
18. Nurmuhhammadovich, R. O., & Nurullaevna, N. M. (2021). Social And Spiritual Importance of Lessons of Musical Culture. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 2(2), 50-52.
19. Nasritdinova, M., & Khokimova, K. (2021, October). LANGUAGE IS THE MIRROR OF THE NATION. In *Archive of Conferences* (pp. 92-94).
20. Nurullayevna, N. M., & Muhlisa, T. (2021, December). SOME PROBLEMS AND SHORTCOMINGS IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM. In *Archive of Conferences* (pp. 61-62).
21. Nasretdinova, M., Isakov, U. B., & Orziboyev, R. (2022). XALQ IJODIYOTINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI. *Scientific progress*, 3(2), 851-856.
22. M. Nasritdinova (2022). ЎЗБЕКИСТОН ЖАМИЯТИНИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ЁШЛАР БАДИИЙ-ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ОМИЛЛАРИ. *Science and innovation*, 1 (B6), 950-955. doi: 10.5281/zenodo.7195710
23. Nasritdinova, M. (2021). PEDAGOGICAL COMPONENTS AND STAGES OF HEALTH OF DEVELOP CHILDREN THROUGH MUSIC EDUCATION. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(05), 251-258.
24. Мадина Насритдинова (2022). МУСИҚА ТАЪЛИМИ ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНИШИДА СОҒЛОМ БОЛАЛАРДАН ОРТДА ҚОЛГАН БОЛАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ НАТИЖАЛАРИ. *Science and innovation*, 1 (1), 538-549.
25. Jo'Rayev Xamidjon, & Madina Nasritdinova (2022). DOIRA CHOLG'USIDA IJRO MAHORATINI YUKSALTIRISH (BOLALAR MUSIQA VA SAN'AT MAKTABLARI MISOLIDA). *Science and innovation*, 1 (C2), 26-28. doi: 10.5281/zenodo.663646
26. Najmetdinova, M., & Odinahon, S. (2021, October). HISTORY OF TRADITIONAL PERFORMING ARTS. In *Archive of Conferences* (pp. 89-91).

27. Navoi. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 2410-2413.
28. Камбаров, А. А., & Нажметдинова, М. М. (2019). НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ РЕЛИГИОЗНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В ФОРМИРОВАНИИ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ МОЛОДЕЖИ. In *Условия социально-экономического развития общества: история и современность* (pp. 148-151).
29. Нажметдинова, М. (2022). Общественно-культурные мероприятия теоретические основы. *Общество и инновации*, 3(3/S), 473–479. <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss3/S-pp473-479>
30. Асқарова, М., Намозова, Д., Мадаминов, Н., & Алихонова, Д. (2020). PSYCHOLOGICAL FEATURES OF PREPARING CHILDREN FOR SCHOOL. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(7), 402-407.
31. Nomozova, D. (2020). THE IMPORTANCE OF TEACHING VOCABULARY IN STAGES. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
32. Namozova, D. T. (2021). MUSIQA DARSLARIDA O'QUVCHILARNI KREATIVLIK HAMDA ERKIN TAFAKKURINI SHAKLLANTIRISHNI TASHKIL ETISH. *Scientific progress*, 2(2), 1313-1315.
33. Namozova Dilorom, & Astanova Zumradxon Tohirovna (2022). BRAYL NOTA TIZIMINING MUSIQA TA'LIMIDAGI ILK QADAMLARI. *Science and innovation*, 1 (C2), 36-38. doi: 10.5281/zenodo.656980
34. Omadjon Rakhimov Nurmuhammadovich, Jamoldin Muysinov Sharobidinovich, Mahmudov Ismoiljon Isroilovich, & Usmanova Shoxista Shavkat qizi. (2022). UZBEK MUSIC HISTORICAL THE ROLE OF FOLKLORE CREATION IN DEVELOPMENT. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10 (3), 557-559. Retrieved from <https://internationaljournals.co.in/index.php/giirj/article/view/1520>
35. Дилобар Жўрабоева (2022). ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН ЎҚУВЧИЛАРНИ ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ ОРҚАЛИ МУСИҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИКПСИХОЛОГИК ҲУСУСИЯТЛАРИ. *Science and innovation*, 1 (C3), 19-23. doi: 10.5281/zenodo.6655382
36. Маннопов, С., & Сулейманова, Д. К. (2019). Музыкальное наследие узбекского народа. *Проблемы современной науки и образования*, (10 (143)), 82-84.
37. Маннопов, S. (2004). Uzbek folk music culture.(Study guide) Tashkent. *New Age Generation*.
38. Маннопов, С. (2018). Навобахш оҳанглар. Т.: IJOD-PRESS нашриёти.С.
39. Маннопов, С. У. Л. Т. О. Н. А. Л. И. (2004). Ўзбек халқ муסיқа маданияти. *Янги аср авлоди*.
40. Нажметдинова Мавлуда Мамасодиқовна (2022). ОММАВИЙ-МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. *Science and innovation*, 1 (1), 892-903. doi: 10.5281/zenodo.653977